

Ризқ талабида ҳаддидан ошмаслик

21:45 / 21.04.2017 3136

Ризқ талабида ҳаддидан ошмаслик

Ризқни талаб қилишда ҳаддидан ошмаслик деганда ҳаётда фақат мол-дунё топишга, пулини кўпайтиришга муккасидан кетмаслик, ўзини аямай ўтга-чўққа уриб, ҳамма вақтини фақат шу ишга бағишламаслик, балки мўътадил, ўртача йўл тутиш, пул топаман деб ибодатдан, хайрли ишлардан, илм-маърифатдан қолиб кетмаслик, мол-дунё ортидан қувиб, болалар тарбиясини эътиборсиз ташлаб қўймаслик каби муҳим масалалар тушунилади. Бу ҳақда Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шарифда бундай дейилган:

**تومت نل اسفن نإف بلطلال يف اولمجاو هللا اوقتا سانللا اهيأ اي
بلطلال يف اولمجاو هللا اوقاتا اهنع أطبا نإو اقرر يف فوتست ىتح
مرح ام اوعدو ل ح ام اودخ**

«Эй одамлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва ризқингизни гўзал равишда талаб қилингиз. Зеро, бирор-бир жон – гарчи кечикиб бўлса ҳам – ўз ризқини мукаммал суратда олмагунча ўлмас. Шундай экан, Аллоҳдан қўрқингиз ва ризқ талаб қилишда гўзал йўл тутингиз. Ҳалолини олинг-у, ҳаром бўлган нарсаларни тарк қилинг» (Ибн Можа ва Ҳоким).

Агар бирон сабабга кўра тақдир қилинган ризқ келиши кечикса, шошилманг, ҳаром йўллар билан унга тезроқ эришишга ошиқманг. Балки Аллоҳга тақво қилинг, ризқни гўзал суратда талаб қилинг. Демак, мўмин банда қийинчилик ва оғир кунларда, ризқида танглик юз берган вақтларда ҳам ҳалол йўл билан касб-кор қилишни унутмаслиги ва Аллоҳга доим комил тақво қилиши керак экан. Яна бир ривоятда бундай сўзлар ворид бўлган:

**صريحللا بلط نود و عيضملا بسك قوف ةشيعملا بلط نكيلف
اهيلا نئمطملا هاي نذب يضارلا**

«Тирикчилик талаби зое қилувчи (бепарво, дангаса) кишининг ҳаракатидан юқори ва (топаётган) молу дунёсига хурсанд бўлиб, молига суяниб қолган ҳирсли, мол-дунёга ўч бўлган кишининг ҳаракатидан пастроқ бўлсин» («ал-Кофий»; «ат-Таҳзиб»).

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,

Юнусобод тумани бош имом-хатиби,

Тошкент Ислом Институти ўқитувчиси,

«Мирза Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби